

ШАРТНОМА № 21904

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш)

«24» май 2022 йил

Фаргона давлат университети номидан рахбар Б.Шермухаммадов бундан буён бир томондан «Буюртмачи» деб юритилади Низом асосида харакат қилувчи, иккинчи томондан ЯТТ Қобилов Акрам рахбари А.Қобилов низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Бажарувчи» деб юритилади ва қўйдагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Бажарувчи» ўзига тегишли мол-мулкни сотиш, «Буюртмачи» эса тўловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сўнг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

1.2.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

| т/р № | Товарнинг номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|-------|--|---------------|---------|-----------|--------------------|
| 1 | Телефон мобильный(Samsung Galaxy A12 SM-A127F/DSN) | Дона | 35 | 3 005 000 | 105 175 000 |
| 2 | Микроволновка(WOLMER WM-2025MSL) | Дона | 35 | 1 420 000 | 49 700 000 |
| 3 | Термопот(STARLUX SL-568A) | Дона | 35 | 402 500 | 13 650 000 |
| | Жами | | | | 168 525 000 |

Товарларнинг шартномавий умумий бахоси _____
(рақамлар, езувлар билан) ККСсиз _____.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

1.3. «Буюртмачи» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 30 % микдорида пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади. Қолган 70 % ини 30 (ўттиз) кун ичида амалга .

1.4. Товарлар «Бажарувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган холда қўшимча белгиланади

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Бажарувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 2 кун муддат ичида «Буюртмачи»га етказиб бериши шарт. (товар етказиб бериш муддати)

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертфикати), ишлаб чиқариш меъёрий хужжатлар ва «Буюртмачи»нинг талабига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Бажарувчи» мажбуриятлари: - Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган холда ўз вақтида «Буюртмачи»га товарни етказиб бериш;

- Шартноманинг шартлари «Буюртмачи» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳукукига эга;

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк бахосини қайтариб бериш.

- «Бажарувчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш шарт.

6.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари: - «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган холда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда

хисоб-вараклар буйича тўлов амалга оширилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг олдиндан маблағи бўлган холда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0,5 % миқдорида «Буюртмачи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айбдор тараф 20% миқдорида жарима тўлайди.

7.4. «Буюртмачи» олинган товар учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4 % миқдорида «Бажарувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Текшириш органлари томонидан етказиб берилган махсулот нархлари юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарк етказиб берувчи томонидан ққопланади.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боглик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, хар қандай ҳолатлар тегишлидир

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир- бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади. Ўзаро келишилмаса хўжалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда хал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «31» декабргача амалда булади. Шартнома икки томонлама имзоланиб, ғазначилик бошқармаси (бўлим)да руйхатдан ўтқазилганидан сўнг қонуний кучга қиради.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

| | |
|---|---|
| «Бажарувчи» ЯТТ Кобилов Акрам | «Буюртмачи» Фарғона давлат университети |
| (мол етказиб берувчининг номи) | (бюджетдан маблағ олувчининг номи) |
| Манзил: Ферганская область, Фергана, Marg'ilon Shaxri | Манзил: Фарғона шаҳар Мураббийлар 19 |
| Тел./факс 916722272 | Тел./факс(73) 244-44-28 |
| Х/р, 20218000905502191001 | ш/х* 400910860304017094100079001 |
| Банк номи Фарғона ш "Трастбанк"ХА банкининг Фарғона фил | СТИР:201133366 ОКОНХ: |
| МФО 01123 СТИР 574732896 | Тошкент шаҳар Марказий банк |
| ОКОНХ | Молия Вазирлиги Ғазначилиги |
| V | Ғазнах/в: 23402000300100001010 |
| Рахбар _____ (Ф.И.Ш) | Рахбар _____ (Ф.И.Ш) (имзо) |

ЮРИДИК ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонунга мос равишда тузилган. Ҳуқуқшунос: 